



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 17 июнь, № 118 (6553)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!



“Йиллар ўтиши билан, олдимизга қўйган буюк мақсадлар сари юришимизда чуқур ва атрофлича ўйланган, халқаро майдонда “Ўзбек модели” деб тан олинган демократик ислохотлар йўли нақадар тўғри эканини ҳаётимизнинг ўзи оқлаб, исботлаб бермоқда ва бу ҳақиқатга бизга хайрихоҳ бўлмаган мутахассис ва экспертлар, тегишли халқаро институтлар ҳам иқрор бўлмоқда”.

Ислон КАРИМОВ



БИЗ ВА ЖАҲОН



Латвиянинг Салацгрива шаҳрида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятининг тақдироти бўлиб ўтди. Унда мазкур шаҳар кенгаши, ўлка Думаси, ишбилармон доиралар ва жамоатчилик вакиллари ҳамда сайёҳлик соҳасининг мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг Латвиядаги тақдироти

Учрашув чоғида ўзбек халқининг бой маданий-тарихий мероси, мамлакатимизнинг бетақдор сайёҳлик имкониятлари, жумладан, ишлаб чиқилган янги саёҳат йўналишлари ва Ўзбекистоннинг ривожланган транспорт инфра-тузилмаси ҳақидаги атрафлича маълумотлар тадбир қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Шуни қайд этиш лозимки, тақдирот чоғида сайёҳлик соҳасида республикамиз минтақалари эга бўлган салоҳиятга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистоннинг сўлим гўшаларидан бири — Фарғона водийси, унинг иқлими, меҳмондўст аҳолиси, минтақа баргида жойлашган тарихий ёдгорликлар, кўп тармоқли транспорт-коммуникация имкониятлари ҳамда юқори даражада хизмат кўрсатилган маҳмонхоналар ҳақидаги маълумотлар маросим иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Фарғона вилояти ҳақида

ҳиқоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиши эса тасаввурларни янада бойитди. Тақдиротда мамлакатимиз пойтахтини Латвия билан, шунингдек, Хива, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Термиз сингари сайёҳлик ганжиналари ва бошқа ҳудудлар билан боғлайдиган мунтазам ҳаво қатновларига доир маълумотлар ҳақида ҳам атрафлича фикр юритилди.

Тадбир якунида унинг айрим қатнашчилари мамлакатимиз сайёҳлик индустриясининг ривожланиши тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Дагис Страубергс, Салацгрива ўлкаси Думасининг раиси:

— Бугун тақдим этилган маълумотлар ҳамда минтақаларимиз ўртасида сайёҳлик жабҳасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш истиқболлари бизни фаол ҳамкорлик қилишга рағбатлантиради.

(Давоми 2-бетда).

САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Бугунги кунда Ўзбекистон жадал суръатлар билан ривожланаётган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга мамлакатдир. Давлатимиз раҳбарияти томонидан танлаб олинган тараққиёт стратегияси рақобатдош, экспортбоп ҳамда импорт

ўрнини босувчи, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, у саноатнинг барқарор ва мутаносиб равишида ўсиши ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш асосида унинг

етақчи тармоқларини ривожлантириши кўзда тутади.

Юртимизнинг йигирма беш йиллик мустақил тараққиёти даврида тўпланган тажрибанинг тасдиқлашича, ҳар қандай давлат иқтисодиётининг негизи бўлган саноат интеграция асосида ҳамда

жаҳон ҳамжамияти талаблари даражасида равнақ топиши даркор.

Ўзбекистоннинг собиқ тузум даврида суст ривожланган ва деформацияланган иқтисодиёти олдида турган мураккаб вазифаларни олдиндан кўра олган Ислон Каримов 1989 йилдаёқ шундай деган эди: “Бу ўринда асосий вазифа — ишлаб чиқарилаётган ва қазиб олинаётган хом ашёни комплекс қайта ишлашда, айтиш мумкинки, чиқиндисиз қайта ишлашда, республиканинг ўзида уни тайёр маҳсулотга айлантиришдадир. Бошқача айтганда, республикада замонавий техника ва технология билан жиҳозланган қудратли қайта ишлаш саноатини бунёд этиш ва шундай қилиб, узлуксиз ўсиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, республика миллий даромадининг юқори суръатларда ўсишига эришиш ҳамда мамлакатимиздаги ҳар жиҳатдан уйғун ривожланган республикалар даражасига ети олишдир”.

Шундай қилиб, Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳоннинг тез

ривожланаётган давлатлари иқтисодиёти даражасига кўтаришдек мақсадни олдиға қўйган давлатимиз раҳбари босқичма-босқич ислохотлар ўтказишнинг беш тамойилига асосланган, ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос моделини ишлаб чиқди. Маълумки, ёш мустақил республиканинг иқтисодий ривожланиши бўйича танланган ушбу модель бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилди ҳамда “Ўзбек модели” дея ном олди.

Кўзда тутилган ислохотларнинг изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги таъминланди. Кейинги ўн йил давомида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши даражаси 8 фоиздан зиёдни ташкил қилмоқда. Умуман, мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти деярли 6 баравар, аҳолининг реал даромадлари қарийб 9 баравар ўсди.

(Давоми 4-бетда).



17 ИЮНЬ — ЖАҲОН ЧЎЛЛАНИШ ВА ҚУРҒОҚЧИЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШ КУНИ

Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш — долзарб масала

Ҳозирги кунда сайёрамизда кечаётган қурғоқчилик ҳамда чўлланиш жараёни халқаро жамоатчиликнинг доимий диққат-эътиборида турган глобал муаммолар сирасига киради. Бу бежиз эмас. Чунки чўлланиш, ер деградацияси ва қурғоқчилик жиддий иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик муаммо сифатида дунёнинг кўплаб мамлакатлари озиқ-овқат хавфсизлигига, инсонлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатаёпти.

Бугунги кунда 100 дан зиёд давлатнинг 1,2 миллиард аҳолиси ана шундай ҳолатдан азият чекаётгани фикримиз тасдиғидир. Қолаверса, 1994 йилда БМТ томонидан ушбу дол-

зарб масалага жаҳон ҳамжамияти эътиборини кенг-роқ жалб этиш, экологик муаммога қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Каттик қурғоқчиликни бошдан кечириётган

ва/ёки чўлга айланган бораётган мамлакатларда, айниқса Африкада чўлга айланган боришларга қарши кураш бўйича Конвенция қабул қилингани ҳам муаммонинг нечоғли жиддий эканлигини англатади. Бинобарин, мазкур Конвенция уни ратификация қилган давлатлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, бу борада аҳоли хабардорлигини ошириш, шунингдек, қурғоқчилик оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши назарда тутади.

(Давоми 2-бетда).

Файзли кунлар шуқуҳи

Истиклолимизнинг йигирма беш йиллиги кенг нишонланадиган жорий йилда мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлига яна бир қарра назар ташлар эканмиз, бугунги ёруғ кунларга, ютук ва марраларга қандай омиллар эъланга эришганимиз кўз ўнгимизда гавдаланади.

МУНОСАБАТ

Ўтган тарихан қисқа, мазмунан бой йилларда Президентимизнинг узоқни ўйлаб олиб борган оқилона ҳамда одилона сиёсати туфайли асрларга татигулик ўзгаришлар амалга оширилди. Зеро, халқимизнинг кечяги кўрган куню бугунги ёрқин ҳаёти ўртасида катта фарқ борлиги айни ҳақиқат. Қийинчилик билан эришилган ҳурлик, йиллар мобайнида орзу қилинган мустақиллик наҳидаси қалбларимизга хузур бағишлаётгани бу-

гунги фаровон ҳаётимизда яққол намоён бўлмоқда. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан қайд этилганидек, олдин тасаввур қилиш ҳам мушкул бўлган бундай оламшумул натижаларнинг асосий омиллини, авваламбор, тараққиёт йўлимизда тўсиқ бўлган турли қийин-

чилик, етишмовчилик, оғир ҳамда машаққатли синовларни енгиб ўтишда одамларимиз, бутун халқимизнинг дунёқарашини, меҳнатга, ҳаётга муносабати ўзгартириб, уларнинг сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик ҳисси тобора кучайиб бораётганида кўриш даркор.

Дарҳақиқат, Истиклол халқимизга янги тараққиёт эшикларини очиб берди. Юртимизга барқарорлик, халқимизга фаровонлик, ҳаётимизга тинчлик-осудалик, кўнглимизга хотиржамлик, кучимизга куч, қалбимизга шижоат бағишлаган бу неъмат дийёримизнинг кўркамлашиб бораётган қиёфасида ҳам буй кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Мамлакатимизда ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ўрнини кучайтириш, мазкур институтнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим-тарбия муассасалари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она

Шу йил апрель — май ойларида барча туман ва шаҳарларда Халқ таълими вазирлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ЁИХ томонидан ташкил этилган “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги механизми татбиқ қилишнинг амалий жиҳатлари мавзусидаги ўқув-семинарлар ушбу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Айтиш жоизки, жисмонан соғлом, маънавий етук ҳамда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда оила институти, ота-оналар ва фуқаролар йигинларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтиришга йўналтирилган ўқув-семинарлар аввалига республикамизнинг 14 та ҳудудда намунали тарзда ташкил этилди. Шундан сўнг бундай тадбирлар 193 та туман ҳамда шаҳарда бўлиб ўтди. Уларда 42,4 минг-

дан ортик фаоллар, хусусан, туманлар ва шаҳарлардаги тегишли давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, жумладан, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбар-ҳодимлари, фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар қатнашди.

Тадбирларда фарзандларимизни Ватан ҳамда миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

Табий ресурслардан самарали фойдаланиш — долзарб масала

◀ (Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Статистик маълумотларга кўра, дунё миқёсида чўланиш ҳамда курғоқчилик оқибатида ҳар йили 42 миллиард АКШ долларига тенг қишлоқ хўжалиги экинлари нобуд бўлади. Қолаверса, келгусида иқлимнинг тобора иссиши ва чўлларнинг кенгайиши сабабли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажми камайиши баробарида, хайвонот ҳамда ўсимлик дунёсида ҳам кенг кўламли кўчишлар кузатилиши мумкин. Бу эса фаоллиги сустроқ бўлган турлар янги шaroитга мослаша олмай, бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфи бор, деганидир.

БМТ Бош Ассамблеяси 2010 йилнинг январь ойидан 2020 йилнинг декабрь ойига қадар “БМТнинг чўланиш ва курғоқчиликка қарши курашиш 10 йиллиги” деб эълон қилишдан мақсад ҳам мазкур муаммони бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатларни бирлаштиришдан иборатдир. Шу ўринда юртимизда

чўланишга сабаб бўлувчи айрим омиллар ҳусусида тўхталиб ўтсак. Маълумки, Қизилқум чўлида бир пайтлар қора-кўлчиликни ривожлантириш ва чорва туёғини мувофиқлаштириш мақсадида қудуқлар бунёд қилинган эди. Эндиликда эса ушбу қудуқларнинг аксарияти ўз фаолиятини тугатган ёки таъмирталаб бўлиб қолганлиги, шунингдек, жуда камсонли қудуқлар атрофида чорва туёғи сонининг ошиби кетиши яйловдан самарали фойдаланишнинг издан чиқишига олиб келди.

Бундан ташқари, айрим ҳудудларда ўзлаштирилган майдонларда ҳам чўланиш жараёни кучайиб, бундай жойлар сув танқислиги ҳамда тупроқнинг ўта шўрлиниши оқибатида ўшланлик ҳудудларга айланган бормоқда. Буларнинг барчаси собиқ иттифоқ даврида пухта ўйланмасдан амалга оширилган ишларнинг нохуш оқибатларидир, албатта.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида Ўзбекистонда ушбу йўналишда муайян ишлар

амалга оширилмоқда. Хусусан, 1999 йилда Конвенция мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида Миллий ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилгани, чўл экотизимлари барқарорлигига эришиш, ўрмонларни тиклаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида кўрилатган чора-тадбирлар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Шунингдек, бугунги кунга келиб, юртимизда қишлоқ хўжалигининг кўп сув талаб этувчи тармоқлари сезиларли даражада қисқартирилди, соҳага юқори технологиялар жорий қилинмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси тузилиши, манзилли дастур доирасида амалга оширилган ишлар натижасида республика бўйича 1 миллион 200 минг гектардан ортқ суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Ўз навбатида, 2013 — 2017 йиллар давомида жами 25 минг гектар майдонда томчилик

суғориш тизими, 45,6 минг гектар майдонда плёнка тушаб суғориш усули ҳамда 34 минг гектар майдонда эса ўқариқлар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш усуллари жорий этилиши белгиланган.

Этиборлики, бундай саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Айни пайтда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган сувнинг умумий миқдори ўтган асрнинг 80-йилларидагига нисбатан йилгига қарийб 13 млрд. куб метргача камайтирилди. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йилларида бир гектар суғориладиган майдонга 18 минг куб метр обихаёт ишлатилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 10,5 минг куб метрни ташкил қилмоқда.

Ўрмонлари, хусусан, ихтозорларни барпо этиш ҳам чўланишга қарши курашишда асосий чоралардан бири ҳисобланади. Шу боис ўрмонларни кенгайтириш, янги дархтзорлар барпо этиш ишларини такомиллаштириш, соҳада фаолият юритишга бел бог-

лаган юридик ва жисмоний шахсларга ҳар тарафлама кўмак кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга.

Мутахассисларнинг фикрича, биохилоқчиликни сақлаш, чўланиш ҳамда курғоқчиликка қарши курашишда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш, шамол ва сув эрозиясига қарши курашиш самарадорлигини ошириш, агро-муҳитни муҳофаза қилишда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни ривожлантириш ижобий самара беради. Шунингдек, сув ва ер ресурсларини бошқаришдаги иқтисодий механизмлар ҳамда ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя этилишини устидан назоратни кучайтириш каби масалаларга ҳам этибор қаратиш зарур. Эришар, айнан ер ҳамда сув ресурсларини барқарор бошқариш йўли билан биохилоқчиликни сақлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, иқлимнинг ноқулай оқибатларига мослашиш мумкин.

Ф. ҚУВВАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати,
Экоҳаракат депутатлар
гурухи аъзоси.

Файзли кунлар шуқуҳи

дан ўзгартириб юборди, деса, асло муболага бўлмади. Зотан, бу ташаббус илҳами сурилган дастлабки йилларда юртимизда намунавий лойиҳалар асосида 847 та уй-жой барпо қилинган бўлса, 2015 йили мазкур кўрсаткич 12 мингтага етди. Хусусан, ўтган йилларда қўлдан келганича қўлдан келтирилган электр энергияси, газ тармоқлари ҳамда ичимлик суви қувурлари тортилди. Маҳалла гузарлари, болалар боғчалари, спорт майдончалари, мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари, минибанклар, қисқаси, инсон кундалик ҳаёти учун зарур бўладиган барча шарт-шароит муҳайё этилди. Эътиборли жиҳати, бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Чуноткин, Президентимизнинг шу йил 29 январьдаги “2016 йил учун тураржой мавзеларини қуриш ва қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яққа тартибдаги тураржойлар қурилиши индустриал базасини янада ривожлантириш ва маҳаллаиштириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”-ги қарорига кўра, жорий йилда мамлакатимиздаги 150 дан ортқ қишлоқ туманларида умумий майдони 1823,7 минг квадрат метр бўлган 13 миңга уй-жойлар барпо этилиши режалаштирилган. Бу эгзу юмушлар, шубҳасиз, минглаб хонадонларнинг турмуш сифати янада яхшиланишига хизмат қилади.

Бундай янгиланишларни чорвадорлар юрти — Томди

фақатгина чорвачилик ҳудуди сифатида қараб келинган туманда бугун кўплаб ишлаб чиқариш субъектлари, ижтимоий объектлар, корхона ташкилотлар фаолият юритаётгани, айниқса, қувонарли. Овуларимиздаги катта янгиланишларни айтимайсизми?! Болаларимизнинг билим олишлари учун замонавий таълим масканлари қурилиб, илғор ўқув жиҳозлари, энг сунгли русумдаги компьютерлар билан таъминланди. Фуқароларнинг саломатлиги мунтазам тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Марказлардан аёна олиб бўлган ҳудудларда шундай қулайликлар яратилганки, буларнинг барчаси истиқлол шарофатидандир.

Мустақиллик бизга ниҳоятда катта имкониятлар тўхфа этди. Мамлакатимизда яшайдиган ҳар бир инсоннинг қад-қиммати, шаъни бебаҳо қадрият сифатида эъзозланмоқда. Истиқлол боис қаддими тикланди. Осууда ва фойровон ҳаёт, ободлик, тўқинлик эса истиқлолимизнинг энг олий ниятларидир. Бинобарин, юртимиздаги бундай юксалишлар тинчлик туфайли таъминланаётганини барчамиз юксак қадрлашимиз, уни мустаҳкамлаш учун интилишимиз, буларнинг аҳамиятини, эришилган ютуқ ҳамда марраларни кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишимиз айти заруратдир.

Алим МЕНЛИҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
аъзоси.

Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг Латвиядаги тақдироти

◀ (Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Биз, шубҳасиз, икки томонлама сайёҳлар оқими кўпайтириш учун мамлакатларимиз туркоманиялари ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга тайёриймиз. Бундан ташқари, ҳар икки томонда сайёҳлик инфратузилмасини раванқ топтириш, сайёҳлар учун аниқ саёҳат пакетларини ишлаб чиқиш соҳасида тажриба алмашиш юзасидан қизиқиш мавжуддир.

Лиене Сомертисесене,
Салацгрива ўлкасидаги Сайёҳлик ахборот маркази директори:

— Ўзбекистонда фаолият кўрсатадиган сайёҳлик компаниялари ва туроператорлар билан ҳамкорликнинг янги қирраларини ўрнатиш

ҳамда мавжуд ўзаро алоқалар кўламини янада кенгайтириш мақсадида мамлакатларимиз ўртасидаги сайёҳлик алмашувларини ривожлантиришга кўмаклашади. Шу боисдан ҳам жорий йил октябрь ойида Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтадиган XXII Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида иштирок этиш, ўзбек шерикларимиз билан тўғридан-тўғри амалий алоқаларни йўлга қўйиш ниятидаимиз. Биз, шунингдек, республика минтақаларидаги мавжуд сайёҳлик салоҳияти билан бевосита танишиш ва саёҳатлар ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишни ҳам режалаштирганмиз.

«Жаҳон» АА,
Рига — Салацгрива

ТАЪЛИМ

Пойтахтимизда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган “Билимлар беллашуви — 2016” кўрик-танловининг мамлакат босқичи бошланди.

Истеъдод ва заковат синови

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташкил этган мазкур интеллектуал мусобақада танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари қўлиблари иштирок этмоқда.

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда наққорон авлодини юксак интеллектуал салоҳиятли, теран маънавиятли инсонлар этиб қамолга етказиш вазифаси ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканигини таъкидлашди.

Ушбу заковат беллашувидан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларнинг қобилияти ва истеъдодини қуйи синфлардан бошлаб аниқлаш, мактабларда соғлом рақобатни таш-

кил қилиш орқали ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ҳамда иштиёқини тобора ривожлантиришдан иборатдир.

Бинобарин, беллашув натижасида давлат таълим стандартларида белгиланган талабларнинг қандай бажарилаётгани таҳлил этилиб, таълим сифати кўрсаткичлари орқали ўқув муассасалари, ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари фаолияти баҳоланади.

— Камолга етаётган фарзандларимизнинг кучли билимга, кенг дунёқарашга эгаллиги қалбимизда ўзгача гурур уйғотади, — дейди “Билимлар беллашуви — 2016” кўрик-танловининг хайбати аъзоси, Косон туманидаги 95-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқитувчиси Эргаш Жўраев. — Танловда қат-

нашаётган ёшларнинг ҳар бирини даъват қилиш, изланиш бор.

Бу галги билимдонлар баҳасида умумтаълим мактабларининг 5 — 8-синф ўқувчилари 16 ўқув фани бўйича ўз билим ва

иктидорини синовдан ўтказяпти. Унинг дастлабки босқичларида икки миляндон нафардан зиёд ўғил-қиз иштирок этгани танлов қамрови нақадар кенг қилинган даъват беради. Кучли рақобат муҳитида сараланган 500 нафар ўқувчи яқини босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Билимлар беллашувида муваффақиятга эришган ўқувчилар Бўстонлик туманида жойлашган “Кўёшли” интеллектуал-ривожлантириш оромгоҳида хордиқ чиқариш имкониятига эга бўлади. Улар учун моҳир педагоглар, профессор-ўқитувчилар, олимллар, маданият ҳамда санъат намоёндалари иштирокида фан, шеърят кечалари, маҳорат сабоқлари, викторина ва мусобақалар ташкил қилинади.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

◀ (Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Айни чоғда мазкур ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги жамоат кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар халқ таълими бошқармаларида тузилган жамоат кенгашлари самарали фаолият юритаёпти.

Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан оила, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва маҳаллалар ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бораётган. Отаналарнинг фарзанд тарбиясидаги ролини ошириш, ёш авлод тарбияси билан боғлиқ ҳуқуқий ҳамда маънавий-ахлоқий, физиологик билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, таълим-тарбия сифатини ўрганиш ҳамда янада яхшилаш борасида ҳам муҳим чора-тадбирлар кўриломоқда. Қолаверса, таълим тизимидаги ислохотлар билан ота-оналар ва жамоатчиликни атрофича таништириш, ўқувчиларнинг зарарли таъсирларга қилишига сабаб бўладиган омилларга қарши профилактик тадбирларни кучайтириш ҳамда ҳудудий жамоат кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари юқори даражада давом эттирилмоқда.

Ўқув-семинарларда тегишли идора ва ташкилотлар мутахассисларининг мавзу билан боғлиқ чиқишлари қатнашчиларга манзур бўлди. Хусусан, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги механизмининг муҳияти ҳамда аҳамияти, бу борада фуқаролар йиғинлари олдига турган долзарб вазифалар, оилалардаги маънавий муҳит ушбу механизм самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиши, ёшларни барқамол қилиб тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бошқа қатор долзарб масалалар батафсил муҳокама қилинди.

— Фарзандларимизнинг таълим-тарбияси биргина муассасанинг иши эмас, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги жамоат кенгаши масъул котиби Жамолдин Камолов. — Бунда барча ташкилот ҳамда муассасалар, кенг жамоатчилик иштироки талаб этилади. Шу боис оила, маҳалла, таълим муас-



Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она

сасани ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида турли вазирлик ва идоралар билан ўзаро алоқалар йўлга қўйилган. Айни чоғда “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги механизмининг янада кучайтиришга доир ишлаб чиқилган муҳим чора-тадбирларнинг амалиётга ториб қилиниши бўйича мониторинг олиб борилаётган.

Ўқувчиларнинг таълим-тарбияси, машғулотларга қатнашиш давоматини таъминлаш нафақат ўқув муассасаси раҳбарлари ҳамда ўқитувчиларига, шу билан бирга, ота-оналар, маҳалла фаолларига ҳам бевосита боғлиқ. Бунда маҳалла, оила ва таълим муассасалари ҳамкорлиги қўл келади. Шу мақсадда умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежларида ёшлар тарбиясига оид давра суҳбатлари, учрашувлар ҳамда ўқувчилар давомати бўйича мониторинглар ўтказилмоқда. Шунингдек, 9-синфни тамомлаган ёшларни таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш, коллеж битирувчиларини иш би-

лан таъминлаш доимий эътиборда. Шуларга мос равишда маҳалла фаоллари томонидан ўтказилаётган рейдлар ҳамда жойларда ташкиллаштирилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, ота-оналар билан учрашувлар мавжуд муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида маҳаллаларда маслаҳатчилар иштирокида “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги доирасида 36 миңдан зиёд турли тадбирлар ўтказилган.

Маълумки, соғлом ва барқамол авлоднинг вояга етказиш, ёшларни миллий урф-одат, анъана ҳамда қадриятларимизга ҳурмат руҳида қамол топтириш, спорт билан шугулланиши, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашлари учун зарур шарт-шароит яратиш, бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда

маҳалланинг ўрни ва таъсири тобора ошмоқда. Зеро, “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она”, деган мақол бежиз айтилмаган.

— Ҳар бир ота-онанинг барча эгзу ниятида фарзандларини ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажagini қўриш орузси мужассамдир, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Дилшода Мирзажоновна. — Шу мақсадда мамлакатимизда ёшлар тарбиясига устувор аҳамият

қаратилиб, унга давлат ҳамда жамоат ташкилотлари кенг жалб этилгани таъкидлаш мумкин. Айниқса, оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги доирасида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни турли зарарли таъсирлардан, “оммавий маданият” никоби остидаги таъдид хатлардан асраш, Ватанга муҳаббат, саноқат руҳида тарбиялаш учун унинг қалби ҳамда онгида мафкуравий имунитетни янада кучайтириш, турли фан ва спорт тўғрисидаги кенг жалб қилиш, бўш вақтининг мазмунини ташкил этиш таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар олиб бориломоқда.

Мисол учун, ўқувчиларнинг дарсга тўлиқ қатнашишини назоратга олиш, масъулларни бириктириш, уларнинг бўш вақтининг самарали ташкил қилиш, турли тўғарақларга жалб этиш чоралари кўриломоқда. Фуқаролар йиғинларидаги 9046 та “Ота-оналар университети” томонидан ота-оналарнинг ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш бўйи-

ча ўтказилаётган тадбирлар бунда муҳим омил бўлаётгани, айниқса, эътирофга молик.

Шунингдек, қиз болаларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ҳамда касб-хунарларни эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳ ва оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ҳамда турли маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш мақсадида мактаб, касб-хунар коллежи ҳамда академик лицейлар ҳамкорлигида турли тадбирлар уюштирилмоқда.

— Бола, аввало, оила бағрида униб-ўсади, шахс сифатида қамол топади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси Саодат Боймирозова. — Қизларимиз маънавиятини шакллантиришда оиладаги муҳит, она тарбияси, оталар ўғити, кейинчалик маҳаллада, умумтаълим мактабларида, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларида бе-

риладиган таълим-тарбия муҳим ўрин тутаяди.

Қўмитамиз томонидан ўқувчи-қизлар ўртасида шахсий гигиеник соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларда ҳаддан ташқари ҳамда афроф-муҳит тозаллигига эътиборни кучайтириш, экология ва тиббий маданиятни ошириш, эрта турмушга чиқишининг олдини олиш, оилавий ҳаёт ҳақидаги тушуноча ҳамда билимларини бойитиш мақсадида таълим муассасаларида “Ораста қизлар” тўғарақлари фаолияти йўлга қўйилди. Мактабга таълим муассасаларида эса қиз болаларни гўдақлигини соғлом турмуш тарзига ўргатиш, улар руҳига миллий қадриятлар, одоб-ахлоқ қондаларини, онгу шурига миллий тушуночаларимизнинг энг ноёб жиҳатларини сингдириш мақсадида “Зумрадойлар давраси” ташкил қилинди.

Эришяётган ютуқларимизда “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги механизми муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, бу ҳам-

корликни янада кенгайтириш ҳаракатидамиз. Бўлиб ўтган ўқув-семинарлар бу борада жуда фойдалидир.

Семинарларда ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган, ёшлар ўртасида спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар алоҳида айтиб ўтилди. Бунда ҳар йили анъанавий тарзда ташкил қилинаётган “Футболлимиз келажаги”, “Маҳалламиз паҳлавонлари”, “Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи”, “Биз ақл-идроқли оилаларимиз” каби спорт мусобақаларининг ўрни салмоқли бўлмоқда. Кези келганда айтиш керакики, шу кунларда мазкур баҳсларнинг қуйи босқичлари юқори савияда ўтказилаёпти.

— Ўқув-семинарда фаолиятимиз билан боғлиқ зарур маълумотларга эга бўлдик, — дейди Навоий вилоятининг Кармана туманидаги 4-умумтаълим мактаби директори Гулчехра Сатторовна. — Хусусан, бизга “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, “Оила” илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда нашр қилинган “Оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлиги” номили қўлланма манзур бўлди. Зеро, унда шу ҳамкорликни кучайтиришдан кўзланган асосий мақсад ҳамда вазифалар, уни амалга оширишнинг шакли ва усуллари, фуқаролар йиғинлари ходимлари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишларини бўйича комиссияларнинг вазифалари ҳамда жамоат кенгаши томонидан ижро мониторингини юритиш тартиби кўрсатиб берилган. Бу эса мактабимиздаги жамоат кенгаши фаолиятини янада кучайтириш имконини яратаяди.

Умуман, жойларда бўлиб ўтган ўқув-семинарларда “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги механизмининг янада такомиллаштириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмуни ташкиллаштиришга оид тарғибот ишларини изчил давом эттириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги шерикликни бугунги кун талабларига мос равишда мустаҳкамлаш, маҳаллалардаги жамоатчилик комиссиялари ишини кучайтириш билан боғлиқ қатор тасвиялар берилдики, бу иштирокчилар учун айти мудоа бўлди.

Зокир ХУДОШШУҚУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маънавий хазина

Болаликдан тилшуносликка, адабиётга меҳрим баланд. Бу иштиёқ менга жажжи қизалоқлик пайтимдаёқ, мактабда ушбу фандан сабоқ берувчи онамдан ўтган. "Тил — битмас-туғанмас бир хазина, қанча кўп мутулаа қилганинг сари унинг тилсимлари очилвереди", деб уқтирдилар у киши.

ГУРУР

Кизиқиш инсонни мудом олға етаклайди. Харфларни бир-бирига "уриштириб", сўзлар, сўнгра гапларни тўлиқ ўқий бошлаганимданок китоб доимий ҳамроҳимга айланди. Мактабга чиққан, она тили, адабиёт дарсларини оқиниб кутадиган бўлдим. Айниқса, муаллимимиз томонидан мумтоз шоирларимизнинг қиёмига етказиб ўқиладиган шеърларгаззалари мени оҳанрабодек ўзига тортарди. Адабиётга, шеърятга бўлган ошуфталик аста-секин ижод сари етаклади. Олтинчи синфда

ўқиётган чоғимда Ватан ҳақида битган тўрт мисра шеъримни минг бир ҳадик билан устозга кўрсатдим. "Ингилишинг дурут, бирок қофиясини келтиришинг ўзи билан шеър бўлиб қолмайди, унда ўз қарашинг, айтадиган гапинг бўлсин, кўпроқ китоб ўқигин, дунё-қарашинг кенгайди", деди ўқитувчимиз.

Ҳақиқатан ҳам, киши қанча кўп ўқигани сайин сўз бойлиги ортиб бораверар экан. Кейинчалик бетакрор ва азиз юртимиз, табиат манзаралари, ота-онанинг

меҳри, дўст-дугоналаримнинг оқибатидан илҳомланиб битган шеърларимни кичик давраларда ўқидим, мактаб деворий газетасига бердим. Улар кўпчиликка маъқул тушди. Ўтган йили "Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар танловида қатнашдим. Унинг якуновчи босқичида ҳакамлар ҳайъатига ҳавола этган икита шеърим, назм йўналишида берилган саволларга қайтарган жавобларим муносиб баҳолаиб, танлов совриндорига айландим. Ундан сўнгра хорижда, халқаро танловда турли давлатлардан борган 786 нафар ўғил-қиз орасида фахрли биринчи ўринни эгалладим. Бундан ташқари, вилоят, мамлакат миқёсида ўтказилган ижодий тадбирларда шеър, кичик ҳикояларимни кўпчилик юқори баҳолади.

Агар юртимизда бизлар-

га алоҳида гамхўрлик кўрсатилиб, ўқишу изланишларимиз учун етарли шароит яратиб берилмаганида, шундай ютуқларга эришармидик? Йўқ асло! Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг энг яхши нарсаларни бизга раво кўргани, ёш иқтидор эгаларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаганимиз меvasи эканлиги бугун қатрадаги кўёш сингари жилваланиб турибди.

Ўсмирлик палласида кишининг орзулари барқ уради. Келажақда, энг аввало, ана шу ниятларимга эришиб, кўрсатилаётган эътибор, гамхўрликка муносиб бўлиб, мамлакатимиз равақига ўз ҳиссамни кўшсам, дейман.

Шахрибону ЁЗИВА,
Наманган муҳандислик-педагогика институти қошидаги «Дўстлик» академик лицейи ўқувчиси.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакатимиздаги чакана банк бизнесини ривожлантириш борасида етакчи молия муассасаларидан бири ҳисобланади. Бунда аҳолининг ижтимоий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, турли депозитлар ишлаб чиқилаётгани, пул ўтказмалари тезкор амалга оширилиб, миллий ва халқаро валютадаги пластик картчаларга хизмат кўрсатиш кўлами тобора кенгайиб бораётгани муҳим омил бўлаётир.

Мижозлар ишончи — самарали ҳамкорлик гарови

Жорий йилнинг ўтган тўрт ойида аҳоли омонатлари ҳажми 36,5 миллиард сўмга кўпайиб, 1 триллион 67,9 миллиард сўмни, миллий валютадаги омонатлар миқдори 677,9 миллиард сўмни, хорижий валютадаги депозитлар миқдори эса 134,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Қолаверса, шу давр ичида миллий ҳамда хорижий валютада ўз ҳисобварағига эга бўлган омонатчилар сони қарийб 3,8 миллион кишига етгани ҳам аҳолининг банкка ишончи тобора ортиб, унинг барқарор фаолият юритаётганидан далолат беради.

Албатта, бугунги жадал ривожланиш, шиддиди рақобат шароитида бундай катта муваффақиятларга эришишнинг ўзи бўлмайдди. Бунинг учун тинимсиз меҳнат ва изланиш зарур. Шу боис банк жамоаси аҳоли маблағларини депозитларга жалб қилишда самарадорлиқни таъминлаш, уларни кўпайтириш мақсадида йил бошидан буюн мудиатли тўрта янги омонат турини жорий этди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида ишлаб чиқилган "Соғлом авлод", "Меҳрибон она", Хотира ва Қадрлар кунига бағишланган "Фахрий", ёз фасли учун мўлжалланган "Ёзги" мудиатли омонатлари ана шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, мазкур молия муассасасининг Президентимизнинг 2008 йил 31 октябрдаги "Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат

банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, аънавий тарзда ўтказиб келинадиган кўрик-танловда "Аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича йилнинг энг яхши банки", "Пластик картчалар бўйича энг яхши эквайер банк" сингари номинациялар қолиб бўлгани ҳам беҳиз эмас.

Маълумки, аҳолидан қўлдан кўчуриб олиш бўйича қўл кўрсатиш ҳам чакана хизматлар сирасига қиради. Эътиборлиси, Миллий банк бу борада муайян тажрибага эга. Яъни ҳозирги кунда унинг 112 мингдан зиёд минибанк ҳамда махсус кассаларида ана шундай хизматлар кўрсатилмоқда. Натижада шу йилнинг тўрт ойида аҳолидан 64,9 миллиард сўмлик қўл кўрсатиш ҳамда махсус кассаларида ана шундай хизматлар кўрсатилмоқда. Натижада шу йилнинг тўрт ойида аҳолидан 64,9 миллиард сўмлик қўл кўрсатиш ҳамда махсус кассаларида ана шундай хизматлар кўрсатилмоқда.

Банк томонидан жисмоний шахсларга 2002 йилдан буюн тақдим этилаётган "Western Union", "Money Gram", "Золотая корона" ҳамда "Азия Экспресс" каби халқаро тезкор пул ўтказмалари хизмати ҳам барчага манзур бўлаётир. Бунинг ҳамда шундай шохобчаларда умумий қиймати 1,1 миллиард АҚШ долларлик қарийб 1,7 миллионга, жорий йилнинг январь — апрель ойларида эса 19,2 миллион АҚШ долларлик 37 мингдан ортиқ операциялар бажарилгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Шу йилнинг май ойига келиб, банк томонидан муомалага чиқарилган пластик картчалар сони 2,6 миллион дондан ошиб кетди. Молия муассасасининг 1,12 миллиондан ортиқ он-лайн пластик картчалари, 121 мингта халқаро "Visa" картчаси мижозлар иштиёбига қолди. Қолаверса, "Иш ҳақи" лойиҳаси доирасида қарийб 14,1 мингдан зиёд қорхоналар ишчи-хизматчиларига ҳам ана шундай қўлай, ишончи ва замонавий тўлов воситаси ёрдамида хизмат кўрсатиш ишлари ҳамда мижозларга қўлайлик яратиш учун жойларга 21,4 мингдан ортиқ тўлов терминаллари ўрнатилган. Пировардида 2016 йилнинг дастлабки тўрт ойида улар орқали 1,5 триллион сўмга яқин транзакциялар амалга оширилиб, пластик картчаларга ўтказилган маблағлар миқдори эса 2,5 триллион сўмдан ортиқни ташкил этди.

Пластик картчалар ми-

жозларга нафақат ҳисоб-китоб қилиш учун, балки кўшимча хизмат ва сервислардан фойдаланиш имконини берувчи восита сифатида ҳам маъқул тушмоқда. Яъни ҳозир ҳар бир мижоз ўз пластик картчаси ёрдамида тўловларни амалга ошириши баробарида, "WEB" ҳамда "IVR" кабинетлари орқали ундаги қолдиқ маблағ ёки бажарилган операциялар тўғри-

сида "SMS" ва "e-mail" хабар қўришишда маълумот олиш имкониятига эга. Айни пайтда ушбу хизмат турларидан фойдаланувчилар сони 304 минг нафардан, "Click" тизимига уланганлар сони эса 153,5 мингдан ошди.

Банк ўтган йили юртимиздаги савдо ҳамда сервис хизмати кўрсатишга ихтисослаштирилган қорхоналар, шунингдек, маҳаллий ҳунармандларга "Visa" халқаро пластик картчаси орқали товар ва хизматларни интернет воситасида реализация қилиш бўйича мамлакатимиздаги биринчи ҳамда ягона интернет-эквайер банкка айланди. Ушбу халқаро тўлов тизими томонидан электрон тижорат хизматларини тақдим этиш учун тегишли лицензияни қўлга киритибгина қолмай, айни пайтда мазкур хизмат турти бўйича тўловларни амалга оширишни тўлиқ йўлга қўйди.

Шунингдек, тўловларнинг энг хавфсиз воситаси сифатида тан олинган "Visa", "Visa Gold" ва "Visa Platinum" картчалари амалиётга татбиқ қилинди. Қолаверса, "Master Card" халқаро тўлов тизимининг тўлақонли аъзо-си сифатида банк томонидан мижозларга тақдим этилаётган чакана хизмат турларини кенгайтириш мақсадида инфратизимини ушбу тизимга мослаштириш ҳамда чипли пластик картчалар ишлаб чиқариш устида изланишлар олиб боришмоқда.

Буларнинг барчаси истиқболда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигини, аҳоли турмуш фаровонлигини янада таъминлашга хизмат қилиши мукаррафдир.

Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОНЛАР

Фирма ва компаниялар раҳбарлари диққатига!
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Моддий-техника таъминоти бошқармаси
тендер савдоларини эълон қилади.

Тендер савдоларида хорижий фирма ва ташкилотлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва/ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

1. Тендер комиссияси ишчи органи номи — Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармаси.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-тор кўчаси, 1-уй, тел.: (+99871) 252-30-36; 255-78-24. Факс: (+99871) 281-43-73 (74). E-mail: umts@mvd.uz

2. Тендер савдоси предмети.
* 15-сонли тендер «Компьютер техникаларини етказиб бериш».

«Universal Realtor» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объектлари такроран қўйилмоқда:

- Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 21 январдаги 425-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қоронқўл кўчаси, 84-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 1448 кв.м. бўлган тураржой биноси.

Бошланғич баҳоси — 357 973 000 сўм.

- Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 3 июндаги 16556-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темури шохкўчаси, «Олой бозори» савдо мажмуаси 2-қаватида жойлашган, умумий майдони 125 кв.м. бўлган савдо дўкони.

Бошланғич баҳоси — 786 801 566 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 4 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикфол Кўшимча маълумот олиш манзили: «Universal realtor» МЧЖ, 100047, Тошкент шаҳри, Истикфол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 150-35-55. www.realtor.uz

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
2016/2017 ўқув йилида бакалаврлар ҳамда магистрлар тайёрлаш бўйича қабул квотаси (ўринлари) тўғрисида
МА Ъ Л У М О Т

Шифр	Йўналишлар	Жами	Давлат гранти асосида				Тўлов-контракт асосида			
			Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:			
				ўзбек	рус		ўзбек	рус		
БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ		765	300	232	68	465	323	142		
5111000	Касб таълими: енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси	25	5	3	2	20	12	8		
5150900	Дизайн (турлари бўйича)	40	5	3	2	35	22	13		
5231900	Корпоратив бошқарув	20	5	3	2	15	9	6		
5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	25	5	3	2	20	12	8		
5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)	50	20	15	5	30	20	10		
5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	125	55	45	10	70	55	15		
5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	90	40	30	10	50	35	15		
5320800	Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси	80	30	25	5	50	35	15		
5320900	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	200	95	75	20	105	75	30		
5321200	Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси (хом ашё турлари бўйича)	70	30	23	7	40	27	13		
5610600	Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича)	40	10	7	3	30	21	9		
МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ		146	68	53	15	78	58	20		
5A150901	Дизайн (турлари бўйича)	4	1	1		3	2	1		
5A311001	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)	13	6	5	1	7	6	1		
5A320302	Машинашунослик	8	4	3	1	4	3	1		
5A320310	Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ҳамда аппаратлари	11	5	4	1	6	4	2		
5A320315	Пахта санюати машиналари ва жиҳозлари	11	5	4	1	6	4	2		
5A320402	Органмик моддалар кимёвий технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	8	4	3	1	4	3	1		
5A320405	Юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси (турлари бўйича)	8	4	3	1	4	3	1		
5A320802	Матбаа технологияси ва дизайн	7	2	1	1	5	4	1		
5A320901	Тўқимачилик хом ашёларини қайта ишлаш технологияси (хом ашё турлари бўйича)	12	6	5	1	6	4	2		
5A320902	Тикув буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш	14	6	4	2	8	6	2		
5A320903	Чарм ва мўйна буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш	12	6	5	1	6	4	2		
5A320904	Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)	12	6	5	1	6	4	2		
5A320905	Тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари материалшунослиги, экспертизаси ва сифат назорати (қўлланаш соҳалари бўйича)	8	4	3	1	4	3	1		
5A320906	Тўқимачилик санюати буюмларини бадий лойиҳалаш (диссинаторлар)	6	3	2	1	3	2	1		
5A321201	Пахта дастлабки ишлаш ва уруғ тайёрлаш технологияси	12	6	5	1	6	5	1		

Манзил: Тошкент шаҳри, Шохжаҳон кўчаси, 5-уй. Мурожаат учун телефон: (+99871) 253-36-66.

«Jizzax mulk markazi» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Жижзах вилояти Пахтакор тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2013 йил 21 августдаги 1/403-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пахтакор тумани, «Ғалаба» МФЙ хулуида жойлашган, «Ferretti Elektroniks» МЧЖга тегишли нотурар бинода сақланаётган мол-мулклар, музлаткич ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 33 турдаги ускуналар такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 3 741 384 749 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 30 июнь куни соат 11.00 да ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш савдога бир кун қолганда тўхтатилади.

Мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Jizzax mulk markazi» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Жижзах вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000304946058001, МФО: 00122, СТИР: 302149531.

Манзил: Жижзах ш., Шароф Рашидов к., 39-уй.
Телефон: (0-372) 222-35-77.
www.rtm.uz
Гувоҳнома № 004399.

«Халқ сўзи» ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ялпи ички маҳсулотни аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда эса, у 6,9 минг АҚШ долларига ортада ҳамда Ўзбекистоннинг ўртача даражаси давомда эга мамлакатлар қаторига киришига имкон берди.

Ўтиш даврининг мураккаб шароитида иқтисодиётнинг базавий тармоқлари — нефть-газ, олтин қазиб чиқариш, рангли металлургия, кимё ва нефть-кимё саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса давлатимизнинг макроиктисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилган ижобий ўзгаришлар туфайли унинг тузилмасини сезиларли даражада диверсификация қилишга эришилди. Автомобилсозлик, шу жумладан, двигател ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, нефть-газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қишлоқ

ҳўжалиги машинасозлиги, қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника асбоблари ишлаб чиқариш, фармацевтика ва микробиология, озиқ-овқат, тўқимачилик, чарм-пойабзал саноати ҳамда бошқа бир қатор мураккаб янги тармоқларнинг йўлга қўйилиши бунга замин яратди. Самарқанд шаҳрида автобус ишлаб чиқарувчи “Исузу” (Япония) ва юк автомобиллари ишлаб чиқарувчи “МАН” (Германия) заводлари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси ҳамда яқиндаги Устюрт газ-кимё мажмуаси фойдаланишга топширилди, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи тўлиқ реконструкция қилинди.

Натижада Ўзбекистон саноатининг тармоқ тузилмасида сезиларли сифат ўзгаришлари рўй берди. Буни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди: иқтисодий ўсишнинг локомотиви ҳисобланган саноатнинг улуши 35 фоизга яқинни ташкил эт-

ди, айни пайтда қишлоқ ҳўжалигининг улуши босқичма-босқич 18 фоизга камайди, хизматлар улуши эса 33 фоиздан 47 фоизга кўтарилди. Бундай ўзгаришлар жадал ривожланувчи иқтисодиётларга хосдир.

Ўзбекистоннинг саноати диверсификация қилиниши натижасида унинг экспорт тузилмаси ҳам ўзгариб бормоқда. Агар ўтган асрнинг 90-йиллари бошида мамлакатимиз экспорти, асосан, пахтадан иборат бўлган ва унинг улуши экспорт умумий ҳажмининг 60 фоизини ташкил қилган бўлса, ҳозирги пайтда четга чиқарилаётган маҳсулотларнинг деярли 80 фоизи қишлоқ ҳўжалиги техникаси, замонавий қурилиш материаллари, тайёр тўқимачилик буюмлари ҳамда пойабзал, кабель-ўтказгичлар сингари қайта ишлашга асосланган тармоқларнинг маҳсулотларидир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг индустриал тараққиётида саноат ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш муҳим ўрни эгаллайди. Дастлаб маҳаллийлаштириш дастури 2000 йиллик қабул қилинган эди. Ушундан буён дастур доирасида қиймати 5,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган 2600 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилди. Маҳаллийлаштирилган корхоналарда 5 минг турдан ортиқ саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, бу эса йилга 7 миллиард АҚШ долларли маҳсулот импортини ўрнини босди, дегандир. Фақат кейинги икки йил ичида ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш ҳисобига 97 гурӯҳ товарларни импорт қилиш бутунлай тўхтатилди, шунингдек, 306 турдаги маҳсулотни четдан келтириш 2 баравардан зиёд камайди.

Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш ҳам ҳар йили

ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ҳамда Кооперация биржаси доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш бўйича буюртмаларни жойлаштиришнинг шартномавий тизимини ҳамда ундаги енгилликлар тартибини яратишга олиб келди. Масалан, ўтган йилги ярмаркада жорий йил давомида умумий қиймати 1,9 триллион сўмга тенг бўлган маҳсулотни сотиш бўйича 13,3 мингдан зиёд ёки ундан аввалги ярмарканинг кўрсаткичларига нисбатан 38 фоиздан ортиқ шартномалар имзоланди. Шундан 2,1 триллион сўмга тенг илгари импорт қилинган маҳсулотларга тегишлидир. Ҳисоб-китобларга кўра, бу жорий йилда саноат тармоқларини асосий ишлаб чиқариш учун импорт қилишни 637,5 миллион АҚШ долларига қисқартиришни таъминлайди.

Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида республикада асосий мақсадлар қисқа муддатли истиқболга қаратилган бўлса, айни вақтда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари, макроиктисодий барқарорлик ва фаол тузилмавий янгилашлар туфайли устувор ва зифаларни ўрта ҳамда узоқ муддатларга белгилаб олиш ва амалга ошириш имконияти юзага келди.

Бугунги кунда узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган иқтисодий сиёсатнинг бош мақсади мавжуд хом ашё захираларини қайта ишлашнинг давомли занжирини шакллантиришда афзалликларга эга бўлган саноат тармоқларини ривожлантириш, қўшимча қийматли маҳсулотни кўпайтиришга хизмат қилаётган юқори технологияли қайта ишловчи тармоқларни жадал тараққиёт этириш учун тежамкор ҳамда инновацион омилларни кучайтириш ҳисобига рақобатдош, барқарор, тузилмавий жиҳатдан мутаносиб иқтисодиётни яратишдан иборатдир.

Ана шу йўналишда кейинги йилларда мамлакатимиз саноатидеги электротехника жиҳозла-



ри, полиэтилен, полипропилен, машинасозлик ва бошқа соҳалар учун эҳтиёт қисмлар ҳамда бутловчи буюмлар, маиший электротехника жиҳозлари — кир ювиш машиналари, газ плиталари, кондиционерлар, чангюкчилар, яна бир қатор юқори технологияли маҳсулот турларини тайёрлаш ўзлаштирилди. Натижада бугунги кунга келиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 60 фоиздан зиёди мустақиллик йилларида бутунлай янгидан ташкил қилинган тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда иқтисодиётни янада ислох этиш, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳамда диверсификациялаш бўйича 2020 йилгача мўлжалланган комплекс стратегик дастур қабул қилинган. У бир-бири билан узвий боғлиқ саккизта комплекс дастурни биравлаштирган: хусусий мулкни ишончли муҳофаза этиш, иқтисодиётнинг улуши ва

ҳақиятини ошириш, замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда диверсификациялаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳада энергия истеъмоли ҳажмини камайтириш ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этишни таъминлаш.

Шубҳасиз, бундай фаол саноат ҳамда инвестициявий сиёсат мамлакатимизнинг инвестициявий жойбадорлигини ошириш ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш бўйича доимий иш олиб бориш орқали амалга оширилди.

Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” ҳисоботига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йилларда бизнес юритиш учун энг қулай шароитларни яратган ислохоти давлатлар ўнталлигига киритилди. Жаҳон банки экспортларининг эътирофига, Ўзбекистонда бизнесни бошлаш учун сарфланадиган вақт Япониядагига қараганда 1,5 баравар, Германиядагига нисбатан 1,6 баравар, Греция ва Исроилдагига қараганда 2 баравар, Испаниядагига нисбатан 2,2 баравар, Хитойдагига қараганда 4,8 баравар камдир. Кириш бизнесга солиқ юқининг даражаси эса бизнинг юртимизда АҚШ, Канада, Германия, Австрия, Франция, Италия, Испания, Греция, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Беларусь ҳамда бошқа давлатлардагига нисбатан анча паст.

Ўзбекистонда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити хорижий тадбиркорлар ва сармояларни жалб этиб келмоқда. Бугунги кунда республикамизда 90 дан ортиқ мамлакатнинг хорижий капитали иштирокидаги 4 мингдан зиёд корхона фаолият юртимизда. Мамлакатимиз иқтисодиётида ҳар йили ўзлаштирилаётган капитал қўйилмаларнинг 20 фоизини хорижий инвестициялар ҳамда кредитлар ташкил қилади. Йирик хорижий ҳамкорларимиз сирасига “Боинг”, “Хонейвелл”, “Эйрбас”, “МАН”, “Клаас”, “Кнауф”, “Лемкен”, “Нестле”, “Текнип”, “АББ”, “Максам”, “Исузу”, “Иточу”, “Мицубиси”, “Женерал моторс”, “Хитачи”, “Марубени”, “Хьюндай”, “Самсунг”, “Эл-Жи”, “Лотте кемикал”, “Хуавей”, ЗТЕ, “Си-Эн-Пи-Си”, “Сипик” сингари кўпдан-кўп компанияларни киритиш мумкин.

2015—2019 йилларда иқтисодиётни янада ислох қилиш, таркибий ўзгариш ва диверсификациялаш бўйича дастури (Ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар, модернизация ва диверсификацияни таъминлаш бўйича 2015—2019 йилларга мўлжалланган тадбирлар дастури) умумий қиймати 40 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган 846 та янгидан бошланадиган инвестициявий лойи-

ҳаларни амалга оширишни кўзда тутди. Шу жумладан, 25 миллиард долларлик 70 та лойиҳа нефть-газ кимёси ҳамда кимё саноатига, 9 миллиард долларлик 30 дан ортиқ лойиҳа электр энергетикага, 1 миллиард долларлик 150 та лойиҳа тўқимачилик ва чарм-пойабзал саноатига, 410 миллион долларлик 300 дан зиёд лойиҳа озиқ-овқат саноатига, 270 миллион долларлик 40 га яқин лойиҳа электр техника саноатига тегишли. Яна саноатнинг турли тармоқларида бошқа бир қатор лойиҳаларни ҳаётга татиқ қилиш режалаштирилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларини 2030 йилгача ривожлантириш бўйича узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Улар хом ашё захираларини 3-4 босқичда чуқур қайта ишлашга қаратилган инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш асосида тегишли тармоқларни жадал тараққиёт топтириш ҳамда юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўзда тутди.

Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, юртимизда ишлаб чиқаришни чуқур диверсификация қилиш орқали нефть-кимё ва кимё саноати маҳсулотини 3 баравардан ортиқча кўпайтириш, мураккаб полимерлар, олефинлар, синтетик каучук, сунъий тола, хушбўй углеводородлар ҳамда бошқа турдаги юқори технологияли маҳсулотлар, мураккаб минерал ўғитлар, шунингдек, кўпбўли соҳаларда талаб этиладиган кимё маҳсулотларининг кенг асортиментини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун зарур барча имконият мавжуд.

Машинасозлик ҳамда электр техника саноатига ишлаб чиқариш ҳажмини 3,7 баравар, фармацевтика маҳсулотларини қарийб 10 баравар, озиқ-овқат саноатини 5 баравар, қурилиш материаллари саноатини 4 баравар кўпайтириш учун реал шароитларга эгаимиз.

Ушбу дастурларни амалга ошириш қатор инвестициявий лойиҳаларни ҳаётга татиқ қилишда хорижий давлатлар компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш учун улкан имкониятларни яратди.

Албатта, миллий иқтисодиётимизни тараққиёт этиришга туртки берувчи саноат тармоқларини янада такомиллаштириш масалалари бундан кейин ҳам диққат-эътиборда бўлиши табиий. Эеро, бу — давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган, 2030 йилга бори мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 2 баравар кўпайтириш ҳамда таркибий ўзгаришлар ҳисобига саноатини жадал суръатлар билан ривожлантириб, унинг ЯИМдаги улушини 40 фоизгача етказишдек устувор мақсадга эришишда энг муҳим омиллардан дир.

Отабек ШАРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги
бошқармаси бошлиғи.



**Мустақиллик йилларида
Ўзбекистон иқтисодиёти
қарийб**

6

баробар ўсди.

ЭЪТИРОФ

Х. НАКАХАРА,
“Mitsubishi Corporation”
корпорацияси бошқаруви аъзоси:

Ўзбекистон — дунёдаги иқтисодиёти жадал раванқ топаётган мамлакатлардан бири. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда мамлакат макроиктисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришаётгани узоқ муддатга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғри танланганининг яна бир тасдиғидир.

Республикада бизнес фаолиятини йўлга қўйиш ва юритиш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган тизимли ишлар иқтисодий ривожланишнинг муҳим омиллари ҳисобланади. Пйрварддаги миллий иқтисодиётга йўналтирилаётган хорижий капитал қўйилмалари ҳажми йилдан-йилга ошиб бораёпти, дунё бозорида рақобатдош бўлган сифатли маҳсулот-

лар ишлаб чиқараётган корхоналар сони кўпаймоқда.

Ўзбекистонда саноатни модернизация қилиш, унга замонавий технологияларни жорий этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар иқтисодиётнинг барқарор ўсишини узоқ истиқболда ҳам таъминлаш имконини беради.

А. КОСТЕНК,
Бельгиянинг “Audiofocus”
электр жиҳозлари компанияси
савдо ишлари бўйича директори:

— Глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида кўпбўли давлатлар иқтисодиётида пасайиш ҳолати давом этаёпти. Мана шундай шароитда Ўзбекистоннинг макроиктисодий кўрсаткичлари нафақат у ердаги иқтисодий ва молия-банк тизимидagi барқарорликдан далолат беради, балки мамлакатда сўнги йилларда қабул қилинган чора-

тадбирлар тўғрилиги ҳамда ҳаётга ўз вақтида татиқ этилганини кўрсатади.

Республикада банк тизимининг муваффақиятли ислох этилиши ва либераллаштирилиши Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорациясининг тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш бўйича “Бизнес юритиш — 2016” (“Doing Business — 2016”) йиллик ҳисоботида ҳам ўз ифодасини топди. Унга кўра, охириги уч йилда Ўзбекистон рейтинг кредитлаш шароитлари бўйича бирданга 113 поғона кўтарилди. Яъни 154-ўрндан 42-ўринга қўрилди.

Бинобарин, мазкур мамлакат инвестиция киритиш учун минтақадagi энг қулай ҳудуд, юқори қўшимча қийматга эга тайёр экспортдош маҳсулотларнинг кўпбўли турларини ҳамкорликда ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёдаги истиқболли бозор ҳисобланади.

Р. ВАСДЕВ,
Ҳиндистоннинг Харьяна штати
Савдо-саноат палатаси президенти:

— Ҳар қандай мамлакат ҳам миллий иқтисодиётни ривожлантириш бўйича Ўзбекистондек ҳайратланарли натижаларни кўлга кирита олмайди. Фирминини нуфузли Жаҳон иқтисодий форуми рейтингини ҳам тасдиқлайди. Эеро, унга мувофиқ, 2014-2015 йиллар якунлари ва 2016-2017 йиллар прогнози бўйича Ўзбекистон дунёдаги иқтисодиёти энг тез ривожланаётган бешта давлат қаторидан жой олди.

Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиши жадал суръатларда давом этмоқда. Унинг ЯИМни шакллантиришдаги улуши эса Европадаги ўртача даражага деярли яқинлашиб қолди.

Ю. АБДУЛЛАЕВ,
Озарбайжон экспорт ва
инвестицияларни
қўллаб-қувватлаш фонди
вице-президенти:

— Ўзбекистоннинг истиқболли бозори билан ишлаш бўйича катта тажрибага эга инсон сифатида айтишим мумкинки, республикада чет эллик сармоядорлар учун аjoyиб имкониятлар яратилган. Яқин ва узоқ хорижга маҳсулотлар экспорт қилиш учун пухта инфратузилма яратилган. Мамлакат минтақадagi бошқа давлатларга нисбатан энг кўп диверсификацияланган ҳамда гуллаб-яшнаётган саноатга эга. Ўзбекистонда бой хом ашё базаси ва юқори малакали кадрлар мавжуд эканлиги билан бир қаторда, сиёсий ҳамда макроиктисодий барқарорлик мустаҳкам қарор топган. Бу эса давлатнинг янада тараққиёт топишини таъминлайди. Қувонарлики, республика раҳбарияти томонидан ўз вақтида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини минималлаштириш имконини берди.



Шоҳмурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 113 851 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўлашмалар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Режама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-йў.
Набатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Набатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — А. Султонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6